



Элёр АЛИМКУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ИЖТИМОЙ-ДИНИЙ УЮШМА ҲАМДА ЭКСТРЕМИСТИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ДИНИЙ РАМЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ

Асосий анъанавий динлардан ажраб
Ачиккан маргинал оқимлар ва
уюшмаларнинг рамзлардан фойдаланишда
икки хил ёндашув мавжуд. Биринчи турдаги
уюшмаларнинг рамзларида айнан қандай
масала бўйича асосий йўналишлардан
фаркланиб турувчи жиҳатлари кўриниб
турса, айримларда умуман рамзга унчалик
ҳам эътибор қаратмайдилар. Масалан, айрим
протестант оқимлари ҳатто христианликдаги
асосий хоч рамзини умуман тан олмасликлари
кузатилади. Лекин, шуниси аниқки агар шартли
равишда муайян бир рамз ёки белги танланганда
оқимнинг асосий ғояси, мақсади ифодаланиш
кўзда тутилади.

Оммавий суицид уюштираётган оқим-
ларнинг рамзлари тўғрисида гап кетганда,
айрим шахс ва гуруҳларнинг ёлғондан иборат
“қиёмат башорати”ни аниқ муддатини белгилаб
айтаётгани кўз олдимизда намоён бўлади.



Бундай ҳаракатларни бугунги кунларда
ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, охирзамон
ғоясидан “Оқ биродарлик” (либослари оқ
матодан тикилгани сабабли, шу ранг мазкур
оқимнинг муқаддас рамзи сифатида шаклланиб
қолган) оқими ҳам фойдаланган. Мазкур
оқимга 1990 йил Киев шаҳрида Марина Цвигун
асос солди. Қисқа муддатда оқим кўплаб

тарафдорларни тўплади. М.Цвигун ўзини “Олам ва одамларнинг онаси – Биби Марям” деб эълон қилди ҳамда 1993 йил ноябр ойида охирзамон бўлишини “башорат” қилди. Бу ишни амалга ошириш мақсадида оқим раҳнамоси ва унинг тарафдорлари 1993 йил 11 ноябр куни “Муқаддас Сафия” черковига бостириб кириб, ичкаридан кулфланиб олдилар ва режанинг кейинги босқичи, яъни оммавий равишда ўзларига ўт қўйиш учун тайёргарлик кўра бошладилар. Мазкур воқеадан хабар топган ҳукумат вакиллари ҳодиса жойига зудлик билан етиб келиб, оқимнинг барча аъзоларини ҳибсга олдилар. Демак, илмсизлик, маърифат билан жаҳолатни ажрата билмаслик, масъулиятсизлик ғаразли ниятдаги гуруҳларга қўл келиб, инсонни тобе қилинишига сабаб бўлади.



KtoNaNovenkogo.ru

1984 йил Женева шаҳрида ўқитувчи Жозеф ди Мамбо ва шифокор Люк Жоре томонидан “Қуёш ибодатхонаси оқими ташкил этилган. Улар 1995 йилда қиёмат содир бўлишини “башорат” қилиб чикди. Мазкур оқимнинг ғоясига кўра, қиёматдан қутилиш учун ўз хоҳишига кўра ўлимга рози бўлган оқим аъзоси “Сириус” юлдузида қайта туғилиб, абадий роҳатга эришармиш. Афсуски, 1994 йил 5 октябр куни оқимнинг 53 аъзоси оммавий суицидни амалга оширди. Бунинг учун оқим аъзолари ичидан танланган кишиларга ўлимга рози бўлганларни отиб ўлдириш вазифаси юкланган. Сўнг марҳумлар юлдуз шаклида жойлаштирилиб, уларга ўт қўйилган. Шу сабабли мазкур оқимнинг рамзи “Сириус” юлдузи бўлиб қолган. Энг ачинарлиси, уларнинг орасида ёш болалар ҳам бўлган. 1995 йили оқимнинг яна 16 аъзоси ва 1997 йил 5 аъзоси бундай ножоиз ишни такрорлаб, ўз жонига қасд қилган¹.

¹ Тоталитарные секты и демократическое государство. /Новосибирскда ўтказилган халқаро конференция тўплами, Россия 9-11 ноябрь 2004 й. –Б. 23; Новые религиозные организации России деструктивного и оккультного характера. Информационно-аналитический вестник №1. Миссионерский отдел Московского Патриархата Русской Православной Церкви. –Белгород, 1997. –Б 212.

ЦВЕТНЫЕ РЕВОЛЮЦИИ



Одатда оқимлар диний рамзлардан фойдаланишда аъзоларга уларнинг таъсирини орттириш учун ўзига хос ранг, шакл ва тимсоллар қўллайдилар. Бунда асосан қора, қизил, сариқ, оловранг каби ёрқин ранглар ишлатилади. Чунки, бундай ранглар одамларнинг руҳиятига таъсири бошқаларга нисбатан сезиларли даражада кучли бўлади. Масалан, биргина “Рангли инқилоблар”да ишлатилган байроқлардаги рангларни эслаш кифоя. Бу каби ёрқин ранглар инсондаги жиддийлик, жаҳлдорлик, асабийлик кайфиятини бериш билан бирга инқилобга, исёнга жалб қилувчи онгости таъсир ўтказиши амалиётда исботланган. Шунингдек, рамзларда ранглардан ташқари оқимнинг бошқалардан ажратиб туриши ёки оригинал хусусиятга эгалигини кўрсатувчи тимсол ва шаклларнинг ўрни катта. Оқимлар кўп ҳолларда ўзига тарафдорларни жалб қилиш мақсадида анъанавий диний йўналиш ва таълимотларга ихтилофли ғояларни илгари суради. Шунинг учун уларнинг рамзларида ҳам ноанъанавий, оккультик, сирли мазмунга эга шаклан мураккаб, нақшли ёзувлар, тимсолларни қўллайдилар. Мазкур рамзларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча маънолар билдирган ҳолда муайян ҳаракатни ҳам ифодалаши мумкин. Ушбу рамзлар қўлланишини кўрадиган бўлсак, кўпроқ сиёсий характерга эга туюлади. Аммо муайян оккультик мазмун касб этувчи рамзларда кичик гуруҳ бўлса-да, эътиқод объекти бўлади.



Маргинал оқимлар ичида ўта радикал қараш тарафдорлари асосан сатанистик ғояларга эга гуруҳлар ҳисобланади. Масалан, айрим сатанистик оқимларнинг рамзларида христианликка зид равишда салб белгисини тесқари қилиш ҳолатлари учрайди. Бунда уларнинг анъанавий христианликка нисбатан ошқора қарама-қарши эътиқодда эканини кўрсатишдир. Бирок, авлиё Петрининг ўзига хос


салби ҳам тескари эканини таъкидлаш керак. Бу рамз билан сатанистлар белгисини бир хил деб тушуниш нотўғри бўлади².



Сатанистлар чақмоқ шаклидаги “S” ҳарфини билдирувчи белгини ҳам ишлатишади. Бунда уларнинг Л уқо инжилининг 10:18 рақами остидаги: “У айтди: Мен шайтонни осмондан чақмоқ каби тушганини кўрдим” жумласига таянадилар.



Ундан ташқари сатанистларнинг – беш қиррали юлдузнинг тескари шаклини ҳам қўллаши кузатилади. Бунда бу шакл эчкининг бошини ҳам ифодалайди³.



Шунингдек, айрим рамзлар байроқ ёки биргина белги орқали таърифланиши мумкин. Мисол учун, друзларнинг икки хил рамзи мавжуд. Уларнинг байроғида яшил, қизил, сариқ, кўк ва оқ ранглар мужассам. Алоҳида бешбурчакли юлдузли рамзи ҳам бўлиб, байроқдаги ранглар такрорланган. Секта ва оқимларнинг рамзлари байроқлар орқали ифодаланса, демак мазкур гуруҳ истиқболда давлат сифатида шаклланиш мақсадини ҳам кўяди. Друзлар ҳам айна шу мақсадда Ливан ва Сурия ҳудудларида узоқ йилги стратегияни кўзлаганлар⁴.

² Қаранг: Андреева В, Куклев А, Ровнер – авт.-составители. Энциклопедия – символы, энаки, эмблемы. –М.: Астрел, 2004. – С. 247.

³ <http://antisatanist-17.livejournal.com/4455.html>

⁴ http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_colier



Баҳойликда ҳам байроқ сифатидаги рамз борлиги сўзимизнинг исботи бўлади. Мазкур ташкилотнинг асосий ғояси дунёда яхлит давлатнинг ташкил топиши зарурлиги тўғрисидаги глобалистик таълимотдир. Уларнинг бу мавзулардаги нашри ҳисобланган “One country” (“Бир давлат”) журнали мавжуд.



Баҳойлик оқимининг яна бир рамзи тўққиз бурчакли юлдуз ҳисобланади. Бунда тўққиз бурчак бежизга танланмаган. Баҳойлик асосчиси Мирза Ҳусайн Али ўзини “Баҳоуллоҳ”

деб эълон қилган ҳолда ўзидан аввалги пайғамбар ва айрим шахсларнинг ишини давом эттирувчиси сифатида кўрган⁵. Улар 8 нафар бўлиб, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлар билан бирга Зардушт, Будда, Кришна, Боб ҳисобланади. Баҳоуллоҳ ўзини мазкур саккизталиқ билан бирга тўққизинчи сифатида қўшиб, гўёки ўзига хос таълимотни мукаммаллаштирган.



“Иегова шоҳидлари” ташкилотининг рамзида тишли миноранинг шакли туширилган. Бу билан мазкур ташкилотнинг асосий ғояларининг нашри ҳисобланадиган “Қўриқчи минора”, “Сион минораси қўриқчи жамоат нашри” номлари ҳам ифодаланган⁶

⁵ Қаранг: Сычева С.Г. Проблема символа в философии. –Томского университета, 2000. –С. 104.

⁶ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – Б. 86.



Саентология (“New age”- “Янги аср”) замонавий оқимининг рамзида икки учбурчак ичига “S” ҳарфи жойлаштирилган. Мазкур рамздаги пасдаги учбурчакнинг ҳар бир бурчаги ўзига хос “АРМ” (“Аффинити”- қизиқиш, интилиш; “реаллик”; “мулоқот”) мазмунини билдиради. Юқоридаги учбурчак “БМН” (“Билим”; “Масъулият”; “Назорат”) маъноларини англатади⁷. Бу учбурчаклар ўзаро боғлиқ бўлиб, саентология орқали пастдан юқорига чиқишда аввал қизиқиш, мавжуд воқелик билан муносабат ўрнатиш, ўрганиш, танишиш зарур, кейин эса мустақкам билим олиб, ишда масъулият ва ўзингиз ҳамда атрофдагиларни назорат қила олиш мумкин деган таълимотни ифодалайди.



Яна бир кенг тарқалган рамзлардан бири учбурчак ичидаги кўз шакли туширилган белгидир. Бунда турли хил ёндашувлар мавжуд. Кўпчилик бундан қадимги Мисрдаги афсонавий Гор (Хорус) маъбудининг Сет билан олишувда бир кўздан айрилиб қолганини туфайли рамзий ифодаси – “уаджет” бўлиб қолган дейишса, айримлар бундан Мусо пайғамбар ўз қавмини фиръавн зулмидан олиб чиқиб кетаётганда мадакор бўлган Яхвенинг Миср тутқинидан нажот беришининг белгиси деб талқин қиладилар⁸. Бугунги айрим христианлик йўналишларида бу рамз Муқаддас учлик ва ҳар нарсани кўрувчи Худонинг рамзи сифатида таърифлайдилар. Асосан бу рамз масонлик ва иллюминант каби оккультик ташкилотлар томонидан кўп қўлланилади.

⁷ <http://www.anti-sekta.info/2015/02/blog-post.html>

⁸ طارق بن سليمان البهال. شعارات الأديان ورموزها (دراسة تحليلية تطبيقية). م. : مركز النشر والترجمة – جامعة المجمعة، 1433هـ. ص. 154.



Экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг рамзлари асосан уларнинг байроқ, гербларида кўриш мумкин. Бундай рамзларда гуруҳнинг нима мақсад қилгани, ақидаси ва характерини билиб олиш қийин эмас. Масалан, айрим экстремистик ташкилотларнинг рамзларида фақат “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси ёзилган бўлиб (қаранг: 99-илова), ортиқча белгилар бўлмайди. Айримларда эса ярим ой ва юлдуз, турли рангбадорлик, нақш ёки бирор минтақанинг харитаси бўлади (қаранг: 100-илова). Тимсолларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, агар ташкилот ўз ғояларини исломнинг бирламчи манбалари: Қуръони карим ва ҳадисларга таянганини кўрсатмоқчи бўлса, фундаментал белгиларни қабул қилади⁹. Масалан, ярим ой ва юлдуз исломнинг кейинги даврларида ўзлаштирилган ҳолда, шартли равишда динимизнинг рамзларига айланиб қолди. Шунинг учун фундаментал ташкилотлар рамзларида тарихий нуқтаи назардан кейинчалик ўзлаштирилган унсурлар қабул қилинмайди. Чунки уларга нисбатан “бидъат” (“янгилик”) айби қўйилади. Табиийки, бундай ҳолатларда ташкилотнинг радикал ёки нисбатан мўътадил характерга эгаллиги маълум бўлади.

Шунинг учун фундаментал оқимлар оқ, яшил ва қора рангларга кўп урғу берадилар. Масалан, бугунги аксарият экстремистик оқимларнинг байроғи қора рангда бўлиб келмоқда. Бу билан улар охир замонда чиқадиған Махдийнинг байроғи қора рангда бўлиши ҳақидаги ривоятларга таянишларидир. Мазкур экстремистлар ўз фаолиятини Махдийнинг чиқиш арафасида кутиб олувчи, унинг аскарларига замин яратувчи куч бўлиб қолиш умиди билан оқламоқдалар. Ваҳоланки, Қуръони карим ва ҳадисларда Махдий чиқишидан аввал кутиб олинглар деган кўрсатма мавжуд эмас.

⁹ Қаранг: Шермухамедов К., Каримов Ж. Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар маълумотлар тўплами. – Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2014. – 78.